Ушбу сонда:
2 ЖУРНАЛИСТ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ
3 ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 25 июн, шанба № 100 (1941)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Авваламбор, сизларни 120 минг тонналик ғалла хирмони бунёд этиб, давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.*

*Сизлар қўлга киритган бу катта ютуқ замирида мураккаб табиат ва иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётган лафзи ҳалол вилоят ғаллакорларининг азму шижоати, қадимий Бухоро деҳқончилик мактаби анъаналарини муносиб давом эттириш йўлидаги интилиш ва изланишлари мужассам, десак, айни ҳақиқат бўлади.*

*Бу муваффақиятга эришишда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар, деҳқонларимизнинг ерга, мулкка бўлган эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани, соҳанинг бугуни ва келажагини белгилаб берадиган фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, маҳаллий шароитга мос ғалла навларининг танлаб экилгани, ишнинг замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этилгани ҳал қилувчи омил бўлгани айниқса эътиборлидир.*

*Бундай ғалабалар ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди, ўзининг эркин ва фаровон ҳаётини ўз қўли билан бунёд этади, деган қатъий ишончимизнинг яна бир амалий тасдиғи, керак бўлса, мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.*

*Мана шундай қувончли дамларда қадоқ қўллари билан ердан ризқ-рўз ундириб, юртимиз бойлигига бойлик қўшиб келаётган сиз каби минг-минглаб заҳматкаш инсонларга ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди, албатта.*

*Бухоронинг юксак ғалла хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни яна бир бор қутлаб, ўзимнинг самимий миннатдорлигим ва ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.*

*Вилоят меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам мана шундай салмоқли ютуқларга эришади, деб ишонаман.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, қут-барака тилайман.*

*Ҳорманг, азизларим, қадрдонларим, доимо омадингизни берсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***Бухоро вилояти ғаллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 120 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб берилди. Унинг 14,2 минг тоннаси сифатли уруғликдир.***

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Эришилган муваффақиятга маррани анча барвақт эгаллаган Қоровулбозор, Жондор, Вобкент, Олот, Ғиждувон туманлари деҳқонлари катта ҳисса қўшди.



Вилоятда етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун ўрим-йиғимга жалб этилган 140 та комбайннинг юқори унум билан ишлаши таъминланди. Комбайнчиларга қулай шароит яратилди, уларнинг меҳнати рағбатлантириб борилди.

Бухоро ғаллачиликда ўзига хос тажриба мактабига эга. Буни ҳосилдорликнинг 52,5 центнерни, Шофиркон туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов раҳбарлик қилаётган «Бухоро» ширкат хўжалигида 75, Пешку туманидаги «Пахтаобод» ва Ғиждувон туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжаликларида 65 центнерни ташкил этгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келяпти. Вилоятда ғаллачилик сердаромад тармоққа айланмоқда. Бу йил ундан 7,1 миллиард сўм соф фойда олиниши, рентабеллик 28 фоизга етиши кутилмоқда.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда:***

1. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифлари иловага мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси иловада кўрсатилган таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини уларга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда - ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари хусусиятига қараб молиявий санкциялар бекор қилиниши ёки миқдорлари камайтирилишини, шунингдек айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектларидан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклашни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

бир ой муддатда - қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 июн

## «БАРАКА» КРЕДИТЛАРИ

Оҳангароннинг чекка Сусам қишлоғида яшовчи хусусий тадбиркор Ҳалима Холдорова кичик новвойхона очди. Бу аҳолини иссиқ нон билан таъминлаш ва маҳаллий ёшлардан беш нафарини доимий ишга жойлаш имконини берди.

Тадбиркор ўзи аъзо бўлган «Барака» кредит уюшмаси томонидан ажратилган бир миллион сўмлик имтиёзли қарз ҳисобига хусусий бизнесни шу тариқа йўлга қўйди. Фермер Буолма Мусурмонова, тадбиркорлардан Комила Қудратова, Савринисо Шокирова ҳам ана шу уюшма кредитларидан фойдаланиб, ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Мамлакатимизда айни кунларда 20 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. «Тадбиркор аёл» республика ишбилармон аёллар уюшмаси пойтахт вилоят бўлими қошида фаолият кўрсатаётган «Барака» кредит уюшмаси шулардан бири бўлиб, икки йилдирки муваффақиятли иш олиб боряпти. Ўтган давр мобайнида уюшма тадбиркорларга умумий қиймати 230 миллион сўмни ташкил этувчи 250 та кичик кредит ажратди.

- Хусусий бизнес соҳасида тадбиркорлар бошланғич молиявий кўмакка ҳамиша муҳтож бўлиши табиий. Бу борада бизнинг хизматимиз кўпчилик учун жуда қулай, - дейди «Барака» кредит уюшмаси ижрочи директори Альбина Носирова. - Бу қулайликдан фойдаланиш учун уюшмамизга аъзо бўлиш ва белгиланган миқдорда бадал тўлаш кифоя.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тадбиркорлари томонидан ихтиёрий равишда тузилган уюшма ўз аъзоларига талаб ва имкониятига қараб 500 минг сўмдан 2,5 миллион сўмгача кредитларни 12 ой муддатгача имтиёзли шартларда ажратмоқда. Кредитни нақд пул шаклида ҳам олиш мумкин. Уюшма жисмоний ва юридик шахслардан депозитга чекланмаган омонатлар қабул қилишни ҳам йўлга қўйган.

## ИЗБОСКАН МАРРАДА

***Андижон вилояти Избоскан тумани меҳнаткашлари ғалла тайёрлаш шартнома мажбуриятларини бажарди. Ватан хирмонига 18 815 тонна сара буғдой топширилди, шундан 7505 тоннаси - уруғлик.***

Избосканликларнинг муваффақиятига А.Тиллабоев номидаги ширкат хўжалиги аъзолари салмоқли ҳисса қўшди. Туманнинг кўп хўжаликлари ҳар гектар ердан ўртача 60-65 центнердан дон олди. Туман фермерлари ҳам самарали меҳнат қилишди. Машина-трактор парки комбайнчилари ўрим-йиғим юқори суръатда ўтишига катта ёрдам берди.





*Чироқчи туманидаги «Тепатой» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим бобо Раҳматов (суратда) ўзининг ташаббускорлиги билан кўпга танилган. У 20 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришга эришиб келмоқда. Тадбиркор савобли ишларда ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, шахсий жамғармасидан қишлоқдаги спорт мажмуасига бир миллион сўм маблағ ўтказди.*

**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

## ЁВУЗЛИК ВА ТЕРРОР ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

### Бугун Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни эркин фикрлилик ёки сиёсий ташкилот учун кураш деб ўйлаш гўллик ҳисобланади. Бу - уруш.

***Сўнгги йилларда Тошкентда ҳукумат объектларига, АҚШ ва Исроил элчихоналарига уюштирилган қатор террорчилик ҳаракатлари учун «Ҳизб ут-Таҳрир» жавобгардир. Бахтимизга, бир йил аввал Исроил элчихонасига қилинган ҳужум чоғида қурбонлар сони кўп бўлмади - бунда ўзини портлатиб юборган террорчилар икки нафар маҳаллий қўриқчининг умрига зомин бўлди. Бундан бир неча ҳафта аввал исроиллик қўриқчилар элчихонага уюштирилган яна бир босқинчиликнинг олдини олишга муваффақ бўлишди.***

Ғарб мамлакатлари, айниқса Европа давлатлари Президент Каримовдан бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан тап тортмайдиган, виждони қийналмайдиган ўлим келтирувчи усулларни қўлловчи радикал оқимларга қарши куч ишлатмасдан, беозор кураш олиб боришни талаб қилишмоқда. Улар Президент Каримовни инсон ҳуқуқларига риоя этишга, сўз эркинлиги тамойилларини ҳурмат қилишга ва мухолифат ташкилотларни қатағон қилишдан тийилишга чақирмоқдалар.

Бугун Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни эркин фикрлилик ёки сиёсий ташкилот учун кураш деб ўйлаш гўллик ҳисобланади. Бу - уруш. «Ҳизб ут-Таҳрир» ўз мақсадларига эришиш учун Ўзбекистонни синов полигони сифатида танлади. Агар улар бу мамлакатни ўз назоратига олишга муваффақ бўлишса, бутун Марказий Осиёни эгаллашлари учун йўл очилади.

Биз Ўзбекистонда қандай воқеалар рўй бериши мумкинлигини унга қўшни икки мамлакат - Афғонистон ва Эрон мисолида кўрган эдик. Жимми Картер маъмурияти инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ аҳволни яхшилаш шиори остида ҳаракат қилган ҳолда Эронда шоҳ тузумини ағдарди. Натижада Теҳрондаги ҳокимиятни Ғарбда, Францияда паноҳ топган оятулло Ҳумайний ва унинг тарафдорлари эгаллади. Қолгани эса тарих, чорак асрдан кўпроқ вақт ўтишига қарамасдан, шу давргача бирор-бир ўзгариш бўлмади ва келажакда бўлишига ҳам умид йўқ.

80-йилларда Ғарб мамлакатлари Афғонистонни советлар эгаллашига қарши курашиш ниқоби остида мусулмон мужоҳидларига ёрдам берган эди. Мужоҳидлар Кобулни ўз назоратига олиши биланоқ Ғарбдаги ҳомийларидан юз ўгирди ва мамлакатда «Толибон» радикал ҳаракати ҳокимиятни эгаллаши учун шарт-шароит яратилгунига қадар ўзаро курашни давом эттиришди. «Толибон» бин Лодинга Афғонистонни бутун дунё бўйлаб террорчилик ҳужумлари амалга ошириладиган маконга айлантириш имконини яратиб берди.

Фақат 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейингина Америка Қўшма Штатлари ўзининг аччиқ тажрибасида «Толибон»нинг асл қиёфасини англаб етди ва Афғонистонда толиблар тузумини ағдариб ташлади. Бироқ хавф-хатар ҳамон сақланиб қолмоқда. Толиблар ҳокимиятдан маҳрум этилган бўлса-да, улар ҳануз бутун Афғонистон бўйлаб фаол ҳаракат қилмоқда ва қўшни мамлакатларга, жумладан Ўзбекистонга ҳам хавф солмоқда.

«Ҳизб ут-Таҳрир» етакчилари Лондон ва Парижда сиёсий бошпана ва паноҳ топаётганини ва бу базалардан туриб очиқчасига ҳаракат қилаётганини кўрганда кишида «deja vu» (воқеаларнинг такрорланаётгани) ҳисси кучаяди. Уларга покистонлик фаоллар ёрдам бермоқда, бу мақсадлар учун пул эса наркотиклар контрабандаси билан шуғулланувчилар фойдаланадиган йўналишлар орқали етказилмоқда: бу йўллар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган Фарғона водийсидан бошланади.

Эрон ва Афғонистонда рўй берган воқеалардан сўнг ташқи сиёсатни шакллантириш учун масъул бўлган шахслар ҳамда Ғарб ва Исроилдаги разведка маҳкамалари шуни тушуниб етишлари керакки, ҳали ҳам кеч эмас, Ўзбекистон ёвузлик ва террор ҳукмронлигининг тарқалиши йўлида, эҳтимол, охирги тўсиқдир. Қилични барча муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси деб билгувчи ва ўз курашини Марказий Осиёдан рус даштларига, у ердан эса бутун Европага кўчиришга тайёр ислом ақидапарастлари таҳдидларига қарши Президент Каримов ғоят мураккаб ва оғир шароитда кураш олиб бормоқда.

**Рювен ДЭНИЕЛ,**
**«Haaretz», Исроил**
22.06.05

***Фарғона водийси ўзининг шоиру ёзувчилари билан бирга қўли гул усталари билан ҳам машҳур. Хусусан, қўқонлик уста-ҳунармандлар, ганчкорлар, косиблар мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантиришга эришди.***

*Оилавий тадбиркорлик*

## ҚИРҚ ҲУНАР ЭГАСИ

Шулардан бири Рустамжон ака Мухторов ўз хонадонида мўъжазгина цех очиб, миллий ўймакорлик усулида мебеллар ясай бошлади. Йиллар ўтган сайин тажриба ва маҳорат ошиб, мижозлар сони кўпая борди. Маҳсулотнинг сифати ўсди.

-Аввалига бироз қийналдик, - дейди тадбиркор.-Бироқ бир ишни бошлагач, уни ташлаб қўйишга орият йўл қўймади. Интилиш ва изланишларимиз зое кетмади. Ҳозир ўз йўлимизга тушиб олдик, маҳсулотларимиз харидоргир.

Айни чоғда у беш фарзандини ёнига олиб, астойдил тер тўкмоқда. Оилавий тадбиркорлар шаҳар ва вилоят танловларида қатнашиб келади. Корхонада 20 хилдан ортиқ уй-рўзғор буюмлари, офис, ошхона, болалар ва ётоқхона мебеллари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар хорижникидан асло қолишмайди. Чунки хунармандлар ҳар бир ясалаётган буюмга чин меҳрини қўйиб ишлайди.

Корхона хомашёни асосан Россия ва Болтиқбўйи республикаларидан келтиради. Шунинг учун жиҳозлар пишиқ ва пухта. Буюртма асосан водий вилоятларидаги давлат корхоналари, фирма ва ташкилотлардан олинади.

2001 йилдан бошлаб шаҳар тадбиркорлар ва ишбилармонлар палатасига аъзо бўлган ишбилармон «Пахтабанк»нинг Қўқон бўлимидан 11 миллион сўмлик кредит олди.

-Куни кеча қабул қилинган Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир фармонларини ўқиб, чин дилдан қувондим. Энди бизнинг ишда янада унум ва барака бўлиши шубҳасиз,- дейди қайтар чоғимизда тадбиркор қувониб. - Илоҳим юртимиз тинч бўлсин! Фарзандлар камолини кўриш ҳар бир инсонга насиб этсин. Энг катта орзуим биз ясаган мебеллар ҳам дунёга чиқиб, энг замонавий биноларда мижозларга хизмат қилсин.

Тадбиркорнинг орзу ва интилишлари бир олам. У келажакда каттароқ цех очиш ва ишчи ўрнини кўпайтириш, халқимизга бежирим, замонавий маҳсулотлар етказиб бериш борасида ҳаракат бошлаб юборган.

**З.БОЛТАБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди*

# «ЯНА БИР БОР ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА...»

**АҚШ элчиси жаноб Пурнеллнинг «Народное слово» газетаси таҳририятига йўллаган ҳамда 18 июнда чоп этилган Андижон воқеалари ҳақидаги хатини ўқир экансиз, унинг икки ёқламалиги, носамимийлигини сезасиз ва бунинг натижасида унга нисбатан ишончсизлик туйғусини ҳис этасиз.**

Бир томондан, жаноб Пурнелл ёзганидек, АҚШ давлати «қамоқхона, милиция участкаси ва ҳарбий гарнизонга қилинган ҳужумни, сўнгра маҳаллий ҳокимият биносининг эгалланиши» (сўзлар хат матнидан олинган) фактини ошкора қоралайди.

Ана шу мисли кўрилмаган сурбетларча ва шафқатсизларча қуролли босқинчилик хатти-ҳаракатларни ва улар давомида постда турган солдат ва офицерларнинг отиб ташланиши, одамларнинг гаровга олиниши, уларнинг таҳқирланиши ва ўлдирилишини, катта миқдорда автомат ва бошқа қурол-яроғларнинг қўлга киритилишини АҚШ элчиси эҳтиёткорлик билан мавҳум сўзларни қўллагани ҳолда «Андижонда гуруҳ томонидан зўравонликнинг содир этилиши» дея атайди. Ваҳоланки, буларни очиқ-ойдин босқинчилик ва террорчилик хатти-ҳаракатлари дея аташ ўрнига.

Зеро, бундай ваҳшийликлар, шафқатсизлик ва хунрезликларни Андижон кўчаларига чиққан, Америка оммавий ахборот воситалари бутун дунёга жар солганидек, тинч, ҳеч қачон қўлида қурол ушламаган аёллар, болалар ва қариялар содир эта олмайди-ку.

Агар ҳарбий объектлар ва қамоқхонага бундай қуролли ҳужум АҚШ шаҳарларидан бирида содир этилганида ва бунда 600 дан зиёд жиноятчилар, шу жумладан, оғир жиноят содир этганлар жазони ўташ жойидан озод этилиб, уларнинг қўлларига автоматлар ва гранаталар тутқазилганида бундай ҳаракатлар Американинг ўзида қандай баҳоланган бўлишини билишни истар эдим.

Газеталар ва телевидениедаги чиқишлар «мислсиз террористик тажовуз», «конституциявий тузумга таҳдид», «халқаро террорчиларнинг АҚШга сурбетларча ҳужуми», «Бин Лодин топилсин ва йўқ қилинсин» ва ҳоказо сарлавҳаларга кўмилиб кетмасмиди?

Бундай кўламдаги хавфни бартараф этиш учун қандай миқдорда махсус ҳарбий бўлинмалар ва миллий гвардия қўшинлари, ҳарбий қуролли кучларнинг бронетехникаси, вертолётлари ва самолётлари ишга солинишини тасаввур этиш қийин эмас.

Энди мустақил текширув дея аталмиш тадбирга ҳамда Америка дипломатлари нима сабабдан бугунги кунда Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этаётган текширув мониторинги гуруҳида қатнаша олмасликлари масаласига келсак.

Биринчидан, АҚШ у ёки бу мамлакатга дипломатлар сифатида тасодифий ва махсус тайёргарликдан ўтмаган одамларни йўллайдиган давлат эмас. Бугун элчихонада Андижондаги воқеалар хусусида уйдирмалар тўплаш бўйича тезкор ишлар пухта йўлга қўйилганининг ўзи шундан далолат беради.

Иккинчидан, гап бу ўринда бутун дунёда қабул қилинганидек, воқеа содир бўлган мамлакатнинг соҳанинг малакали вакиллари, прокурорлик, текширув ва суд-эксперт тузилмалари олиб бораётган текширув ишларининг фақат мониторинги ёки холис назорати хусусида бормоқда.

АҚШ ёки Европанинг прокуратура ходимлари, бизнинг минтақамизда содир бўлаётган ишлар ҳолати ва вазият ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмагани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонуни олдида жавобгар бўлган мамлакатимиз малакали терговчилари ва экспертлари ўрнига бу фожиали воқеаларни қандай қилиб текширишларини биз ўзимизча тасаввур этишимиз ўзи қийин.

Мустақил экспертлар дея аталмиш кишилар биринчи навбатда Андижонда содир этилган қонли фожианинг ташкилотчилари ва сценарий муаллифлари, уларни йўналтириб ва молиялаб турган кучлар билан жиддий қизиқишга гумонимиз катта.

Мустақил текширув хусусида сўз кетар экан, жаноб элчи, айтингчи, АҚШ ва НАТО Қуролли Кучлари томонидан кучнинг ноҳуқуқий ва номутаносиб тарзда ишлатилиши фактлари, хусусан, Югославияда йўловчилар поездлари ўтиб бораётган кўприкларнинг бомбардимон қилингани, Афғонистондаги тинч аҳоли яшайдиган қишлоқларда тўй маросимига тўпланган одамларни нима сабабдандир террорчилар гумон қилиниб, бомбардимон қилинган фактларини текшириб кўриш жоиз эмасмикан? Ёки, ниҳоят, Ироқнинг Аль-Фалуджа шаҳрида АҚШ қуролли кучлари бронетехника ва авиациядан фойдаланган ҳолда Ал-Қоида террорчилари билан курашиши жараёнида қанча тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлганини аниқлаш жоиз эмасми?

Жиддий мулоҳазаларни келтириб чиқарадиган бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Минг афсуски, мустақил халқаро текширув дея аталмиш тадбирни ўтказиш масаласи фақат жаҳонда етакчиликни даъво қилаётган давлатлар бундан манфаатдор бўлган ҳолдагина кўтарилади.

Хулоса қилиб шуни очиқ айтиш керакки, юз карра сўзда бизга чин дўстлик ва садоқатни изҳор этиш ўрнига Ўзбекистон бошига тушаётган мураккаб муаммоларни ҳал этишда АҚШ давлати томонидан бизга кўрсатилган беғараз ҳамжиҳатлик ҳамда қачон ва қаерда кўрсатилган кўмакка оид аниқ мисолларнинг келтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Р.ФАРМОНОВ**
(«Халқ сўзи», 2005 йил, 22 июн)



Элликқалъа тиббиёт коллежи

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

*Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият*

## ОРОМГОҲДА «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

Ўзбек халқи азалдан болажон. Етимлар бошини силаш эса энг савобли ишлардан. Хоразм вилояти тадбиркорлар, кичик бизнес ва савдо ходимлари касаба уюшмаси кенгаши халқимизнинг бу анъанасини унутмаган ҳолда Хивадаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларини ҳар йил ёзги таътилда дам олдиришни мақсад қилиб қўйишган.

– Кенгаш раиси Бахтиёр Иброҳимовдан ниҳоятда миннатдормиз. Мана бу йил ҳам вилоятимизнинг энг баҳаво жойларидан бири Аҳмаджон Ёқубов номли оромгоҳда тарбияланувчиларимиз дам олдирилмоқда, - дейди «Меҳрибонлик уйи» директори Вера Пан.

Яхшилаб таъмирланган ва зарур буюмлар билан жиҳозланган маскан «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг навбатдагиларини ўз бағрига олди. Туман тармоқ касаба уюшмалари кенгаши очилиш маросимини зўр шодиёнага айлантириб юборди. Болаларни вилоят тадбиркорлари чин дилдан табриклашди. Тарбияланувчилардан М.Юсупов ўз таассуротларини шундай изҳор этади:

– Бугун бизга вилоят тармоқ касаба уюшма Кенгашининг ташаббуси билан шундай имтиёзлар кўрсатилаётган экан, бундан биз ниҳоятда хурсандмиз.

Айни пайтда бу ерда болаларнинг шўх-шодон кулгулари-ю мусиқа садолари янграмоқда.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР

**Айни кунларда болалар турли оромгоҳларда ёзги таътил гаштини суришмоқда. Бироқ кўча-кўйларда, ота-оналар назоратисиз қолган болалар ҳам мавжуд. Уларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун ҳам махсус оромгоҳлар ташкил этилди.**

Бундан уч йил муқаддам Мирзо Улуғбек тумани "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ички ишлар, халқ таълими бўлимлари томонидан 105-мактаб-интернатда ҳарбий спорт лагери ташкил этилган эди. Ҳозирда бу ерда ота-оналар томонидан қаровсиз қолдирилган ўн нафардан ортиқ болалар ёзги таътил кунларини ўтказишмоқда. Оромгоҳда болаларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган.

Албатта, қаровсиз қолдирилган болалар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда оромгоҳда дам олаётган болалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан доимий назоратга олинган.

**"Туркистон-пресс"**

## КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЗАРУР

**Ҳозирда Хоразм вилоятида 36 та болалар дам олиш ва соғломлаштириш лагери фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти қадимий ўлканинг энг сўлим гўшаларида жойлашган. Касаба уюшмалари, ўнлаб меҳнат жамоалари бу ерда болалар ёзги таътилни қувноқ ва қизиқарли ўтказиши, саломатлигини тиклаши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилди.**

Шу билан бирга айрим оромгоҳлар қўйилган талабларга жавоб бермайди. Урганчда бўлиб ўтган болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида шу ҳақда сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова бошчилигидаги тегишли республика комиссияси ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Комиссия мажлисида яқинда ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган камчиликларга танқидий баҳо берилди. Масалан, Хонқа туманидаги «Автомобилчи» оромгоҳи санатория типида, аммо бу ерда ҳамма нарса ҳам талабга жавоб бермайди.

Болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш - мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири. Шу боис, бу ишда арзимас нарсалар бўлмайди, деб таъкидланди мажлисда. Бу иш учун масъул маҳаллий ҳокимликлар ходимлари, корхона ва хўжаликлар, бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

**Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими ва таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши шаҳардаги кўпгина йирик ишлаб чиқариш ташкилотларига болалар оромгоҳлари учун ҳомийлик қилишни сўраб мурожаат этганди. Мазкур мурожаатга шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзметкомбинат» каби йирик корхоналар раҳбарияти ҳамда касаба уюшма ташкилотлари жиддий ёндошиб, масалани кўриб чиқдилар. Натижада муаммо ўзининг ижобий ечимини топди.**

## МАСЛАҲАТЛИ ИШ ҲОСИЯТЛИ

Оромгоҳлар ташкил қилиш учун капитал таъмирдан чиқарилган 6-, 9-, 12-, 14-умумтаълим мактаблари ҳамда болалар ижодиёти маркази танлаб олинди. Бу ерларга асосан маҳалла қўмиталари томонидан тавсия этилган кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари биринчи навбатда қабул қилиндилар. Бугунги кунда шаҳардаги бешта оромгоҳларда 430 нафар болалар мириқиб ҳордиқ чиқаришаяпти. Фарзандларимиз ҳордиғини мазмунли ташкил этиш учун шаҳар болалар ижодиёти маркази тўгараклари, 1- ва 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан режалаштирилган тадбирлар ўз вақтида ўтказилаяпти.

Тарбиячилар ва хўжалик ходимлари услубий қўлланмалар, овқатланиш меъёри ва таомномалар билан тўлиқ таъминланишган. Ташкил этилган оромгоҳларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан 93 минг сўмлик, шаҳар касаба уюшмаси томонидан эса 53 минг сўмлик спорт жиҳозлари тортиқ этилди.

**У.ҚЎЗИБОЕВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг Бекобод шаҳри бўйича вакили**

## ТАШАББУС СЎНМАСИН

**Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Республика савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда талаба ёшларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билимларини кўрикдан ўтказувчи "Ташаббускор талабалар" кўрик-танлови ўтказилди.**

Маълумки, мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"-ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса талабаларнинг касбий маҳоратларини нафақат назарий, балки, амалий жиҳатдан ошиб боришини таъминламоқда. "Ташаббускор талабалар" кўрик-танловида талабалар томонидан тайёрланган инновацион дастур ва лойиҳалар, электрон дарсликлар намойиш этилди.

Тадбирда таъкидланишича, мамлакатимиз иқтисодий тармоқларини етук мутахассислар билан таъминлаб келаётган университетда ёшлар талабалик давридаёқ жамият учун зарур бўлган бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия, солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳалар ўзининг самарасини бермоқда. Энг асосийси, бу изланишлардан талабалар моддий манфаатдор бўлишмоқда. Бу эса уларниг ҳар бир ишга ижодий ва масъулият билан ёндошишларини таъминламоқда.

Анжуманда намойиш этилган инновацион дастур ва лойиҳалар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Талабалар ижросидаги саҳна кўринишлари эса тадбирга кўтаринки руҳ бахш этди.



Қарши шаҳридаги қишлоқ хўжалиги тракторларини таъмирлаш заводи 1936 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда асосан, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, таъмирлаш ишлари бажарилади.

– Ҳозирги кунда завод кўп тармоқлик асосида иш юритади. Бу ерда техникалар учун зарурий қисмлар ишлаб чиқариш ҳам ўзининг амалий натижасини бермоқда. Шунингдек, плуглар, сеялкалар сифатли таъмирланяпти.

**Суратда: таъмирчи Одил Умаров.**

**Ш.ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили*

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида ҳукуматимиз томонидан етарлича саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманида бу борада талайгина ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда бу ерда 7 та шифохона, 12 та ҚВП, 7 та шифокорлик амбулаторияси, катталар ва болалар поликлиникаси фаолият кўрсатаётир.**

Тиббиёт муассасаларида икки минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётган бўлса, шундан 210 нафари олий ва малакали шифокорлардир. 30 ўринга эга шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг ҳам хизматлари самарали бўлаётир. Шунингдек, Ўртасарой, Охунбобоев, Ибн Сино маҳаллаларида тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилган.

Қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳоли соғлиғини муҳофазалаш, юқори даражада тиббий хизматни ташкил этиш долзарб масалалардан. Бунинг учун жойлардаги тиббиёт масканлари аҳамиятини ошириш жуда муҳим. Ҳозирда тумандаги ҚВП, шифокорлик амбулаториялари ана шундай эзгу ишларни амалга ошираётир. Хусусан, "Ҳақиқат" ширкат хўжалиги идораси ўрнида жойлашган тиббиёт маскани эндиликда Шукурали, Номданак, Оппоқ, Ўртабўз каби маҳаллаларида яшовчи қарийб 8500 нафар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Энг замонавий хорижий асбоб- анжомлар билан жиҳозланган стоматолог, акушер-гинеколог, педиатр, терапевт бўлимлари мавжуд бўлиб, 4 нафар умумий амалиёт врачи ва 14 нафар ҳамшира ишламоқда. Ўтган йили ҚВП таъмирдан чиқарилиб, унга Тўйтепа металл-конструкциялар заводи ва 7 та фермер хўжалиги томонидан 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Ширкат хўжалиги эса бир қанча мебел жиҳозлари тақдим этди. Бу ерда 5 ўринли кундузги шифохона фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

"Истиқбол" шифокорлик пункти ҳам 1997 йилда ишга туширилган бўлиб, Галаботир, Жангабой, Тортувли, Янгилик маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Барча замонавий асбоб-анжомларга эга масканда 3 нафар умумий амалиёт шифокори ҳамда 12 нафар ҳамшира меҳнат қилаётир. Ҳудуддаги 1043 нафар 14 ёшгача бўлган болалар, 810 нафар қария, 19 нафар байналмилалчи жангчилар ва уруш қатнашчилари ўз соғлиғи бўйича аввало шу жойга мурожаат қиладилар. Мазкур тиббиёт масканини ҳар йили жорий таъмирлаш учун ҳудуддаги бир қанча фермер ва тадбиркорлар баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Бугунги кунда туман бўйича 161 минг нафардан ортиқ 20 хил миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашмоқда. Уларнинг саломатлигини сақлаш учун минглаб юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатаётир. 400 ўринли марказий шифохонанинг хирургия, реанимация, урология, лор, кўз микрохирургияси, шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида 250 нафарга яқин тиббиётчилар меҳнат қилишмоқда.

Туманда соғлом авлодни вояга етказишдек улуғвор ишга ҳам катта эътибор билан қаралаётир. Бугунги кунда туманда 38814 нафар туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олинган.

Репродуктив ёшдаги аёлларни марказий поликлиникада ва қишлоқ врачлик пунктларида ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказишга муҳим иш сифатида қаралаётир,-дейди шифохонанинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Дилором Бўриева.-Бу ерда ҳомиладор аёллар скрининг маркази ҳам очилган бўлиб, улар шу марказдан тиббий текширувдан ўтадилар. Бундан асосий мақсад шуки, аёлларда кўп учрайдиган камқонлик ёки бўқоқ касалликларини ўз вақтида аниқлаб, уларга зарур ёрдам кўрсатишдир. Бунда аёлларга дори-дармон бепул берилади. Болалар ўртасида туғма ногиронликка йўл қўймаслик, унинг олдини олиш ёки камайтириш учун тиббий кўрикларни ўрни жуда муҳим. Соғлом оилани шакллантириш, туғма ногиронликни олдини олиш мақсадида "Оила ва никоҳ" хонаси ташкил этилган бўлиб, ҳар бир оила қураётган йигит-қиз шу ердан тиббий кўрикдан ўтишлари йўлга қўйилган.

Жорий йилдаги режага мувофиқ марказий шифохонани Тўйтепадаги ҳозирда тўла қувват билан ишламаётган акушерлик комплексига кўчириб ўтказиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Бунга бюджет томонидан 89 миллион сўм, 75 ўринли туғруқхона бўлими учун эса 78 миллион сўм маблағ ажратилиб, ҳозирда таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилаётир. Шунингдек, Дўстлик ширкат хўжалигида янги ҚВП қуриш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 84,9 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу бинони бунёд этиш учун тендер ўтказилди ва унда "Сантимпекс" фирмаси ғолиб чиқиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, Ким Пен Хва ширкат хўжалиги идорасини жорий йилда врачлик пунктига айлантириш режалаштирилган. Бу ишни "Сайдовул" фермер хўжалиги ҳамда "Корейс" миллий уюшмаси биргаликда амалга оширишади. Тиббиёт биноси ишга тушгач, 8800 нафар аҳоли учун қулайлик яратилади.

Туманда халқ саломатлиги фидойилари анчагина топилади. Жумладан, шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири Н.Асрелонов, туман болалар маслаҳатхонаси мудири Н.Аҳмедова, туғруқхона акушер-гинекологи М.Одилова, фельдшер О.Нишонбоев, гинеколог Ё.Кулетова, З.Раҳимова каби шифокорлар бир неча юзлаб кишиларга саломатлик бахш этдилар, уларни яна ҳаётга қайтардилар.

Марказий шифохона соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ҳам "Сиҳат-саломатлик йили"да кўплаб тадбирларни юзага чиқармоқдалар. Масалан, 8 март байрами тадбирида ҳар бир ходимга совғалар тарқатилиб, унга қарийб 200 минг сўмлик маблағ сарфланди. Наврўз айёмида ҳам кам таъминланган 20 нафар ходимга жами бўлиб 162 минг сўм миқдорида моддий кўмак берилди. Бундан ташқари, тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасида саломатлик спартакиадаси ўтказилиб, унда қатнашчилар волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва енгил атлетика турлари бўйича иштирок этдилар. Ғолиб ва совриндорларга 120 минг сўмлик совғалар тақдим этилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Спорт хабарлари*

### БОКС

Собиқ жаҳон чемпиони Константин Цзю яна рингга чиқиш нияти бўлса, авваламбор у ўз оила аъзолари, онаси ва рафиқасининг жиддий қаршиликларига дуч келиши аниқ.

Константиннинг онаси Валентина Владимировна, рафиқаси Наташа Костянинг боксни ташлашини истаяптилар. Отаси Борис Тимофеевич, фарзандлари Тимофей ва Никита ҳам бизни қўллаб-қувватлайди, – дейди боксчининг онаси. Костя боксни ташлаб, бошқа бирор иш билан шуғулланиши керак. Биз тунлари ухламай унинг ютишини ўйлайвериб чарчадик. Ҳозирги кунда оилада бокс мавзусида гапириш тақиқланган. Костя ўзининг сўнгги жанггида Рикки Хаттон билан жангда жиддий шикастланган. У ҳанузгача шифохонага қатнаб тиббий тикланиш муолажаларини ҳал этмоқда.

### ШОҲМОТ

Надежда Косинцева Елена Заяцга етиб олди. Молдова пойтахти Кишиневда аёллар ўртасида ўтказилаётган Европа чемпионатида 9-турдан сўнг 7,5 тадан очко тўплаган россиялик шоҳмотчилар пешқадамлик қилмоқдалар. Куни кеча улар ўзаро баҳс юритдилар.

Варшавада эркаклар ўртасида шоҳмот бўйича шаҳсий чемпионат старт олди. Бу чемпионатда ФИДЕнинг 34 та энг яхши шоҳмотчиси иштирок этмоқда. Ғолиблар жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бу турнир икки йилда бир марта Швейцария усулида ўтказилади. Дастлабки партияларда озарбайжонлик Темур Ражабов, россиялик Сергей Волков, Алексей Дреев ва Павел Смирновлар ғалаба қозондилар.

### ЯХШИ ТАЖРИБА

12,17 июл кунлари Москвада бўлиб ўтадиган жаҳон кубоги баҳслари олдидан россиялик боксёрлар ўзларининг асосий рақиблари кубаликлар билан бирга машғулот ўтказишлари маълум бўлди. Россия терма жамоаси бош мураббийи Александр Лебзяк: «5 кун давомида бирга жанг ўтказишни режалаштирганмиз. Кейинги йилдан бошлаб эса матч учрашувларини ўтказамиз. Биз Кубага бориб, матч ўтказсак, кубалик боксчилар Россияга келиб матч ўтказиш истагини билдирганлар» деди.

### ФУТБОЛ

**«Конфедерациялар кубоги – 2005»**

Германияда ўтказилаётган конфедерациялар кубоги мусобақаларида «А» гуруҳида сешанба куни Аргентина ва Германия жамоалари ўзаро баҳс юритдилар. Қизиқарли ўтган учрашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. «А» гуруҳида Германия ва Аргентина 7 тадан очко тўпладилар ва ярим финалга йўлланма олдилар. Энди улар «В» гуруҳидаги икки пешқадам Мексика ва Бразилия терма жамоаси билан учрашадилар.

**Т.ЮСУПОВ**
**тайёрлади**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

### Буюк аждодларимиз

# САККОКИЙ

Қуйидаги байтда Саккокий маъшуқасини - ҳусн шоҳи, ўзини - бир гадога ўхшатади. Маълумки, шоҳга закот бериш жоиз. Закот, одатда, энг камбағал кишиларга берилади. Мол закотининг энг камбағалга берилиши ҳодисасидан шоир ҳусн закотининг энг муносиб ошиққа берилиши ҳақидаги фикрни асослаш учун фойдаланган. Анъанага кўра, энг комил ошиқ бу - энг бечора, энг бенаво, энг ғариб, энг хаста бўлиши керак:

***Ҳуснунг закоти бергали бир қулни***
***изласанг,***
***Саккокийтек бу дунёда бир бенаво қани?***

Саккокий ўз шеърларининг бадииятини кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланди. Шоир ғазалларида, хусусан, талмеҳ, ирсоли масал, муболаға, ташбеҳ, лаффу нашр каби санъатлар кўп учрайди.

Яъқуб алайҳиссалом - Юсуф пайғамбарнинг отаси. У гўзалликда танҳо бўлган ўғли Юсуфни севар, еру кўкка ишонмасди. Бундан ҳасад қилган акалари овга элтиш баҳонасида уни уйдан олиб чиқиб, мисрлик савдогарларга арзимас пулга сотиб юборадилар. Кейин бир қўйни сўйиб, Юсуфнинг кўйлагини унинг қонига булғайдилар-да, оталарига олиб келиб: "Юсуфни бўри еб кетди", - деб алдайдилар. Юсуфнинг ҳажрида йиғлай-йиғлай, Яъқуб пайғамбарнинг кўзлари кўр бўлиб қолади. Йўл бўйида "Байт ул-аҳзон" деган уй тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат қилиб, йиғлар эди. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзон, яъни ғам уйи, ҳасратхонага нисбат бериш бир анъана тусини олган. Саккокий ана шу қиссага ишора қилиб, ҳусндa Юсуфи соний бўлган менинг ёрим ҳам Яъқуб каби фақирнинг манзилини байт ул-аҳзанга айлантирди, демоқда.

Муболаға ҳам шоир ижодида кўп учрайдиган санъатлардан. Унинг бир неча кўринишлари мавжуд. Агар муболаға ақлу одатга мувофиқ бўлса - таблиғ, ақлга сиғсаю, одатдан ташқари бўлса - иғроқ, агар одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса - ғулув дейдилар. Ғулув - муболағани ҳадди аълосига етказиш. Бундай муболағанинг ёлғонлигини ўқувчи сезиб турса-да, у ўзининг гўзал ва таъсирчанлиги билан кишини ишонтиради, унга алоҳида эстетик завқ бағишлайди. Жумладан, бир шеърида Саккокий сени кўрганда кўзимдан оққан ёшлар дарёга айланиб, одамларни ғарқ этади, дейди:

***Сен не янглиғ одамийсенким, юзунг кўрса***
***кўзум,***
***Еткуруб ҳар лаҳза дарё, ғарқ этар инсонни.***

Табиийки, бундай бўлиши ақлга сиғмайди, ҳаётда бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ерда шоир ҳаддан ортиқ кўп кўз ёши тўкишни муболаға, кучайтириш йўли билан бадиий гўзал шаклда ифодаламоқда.

Шоирлар ташбеҳларни қўллаганда уларнинг келиб чиқиши, моҳиятини ҳам кўздан қочирмайдилар. Чунончи, мушк берувчи оҳулар Чин ва Ҳиндистонда бўлиши, туркий халқлар эса жангарилиги, яғмогарлигини кўзда тутиб, Саккокий маъшуқанинг зулфини Чину Ҳинд, кўзларини Туркистон билан қиёслайди. Зеро, соч-ошиқни масту паришон айласа, кўз-асир этади:

***Чину Ҳинд элин паришон айлади зулфунг***
***вале***
***Қилди яғмо кўзларинг мажмуи Туркистонни.***

Саккокий ўзининг истеъдод ва салоҳияти улкан шоирлигини билган. Мирзо Улуғбекка бағишланган қасидасида ўзини у билан муқояси қилиши бунинг исботидир. Бошқа бир байтида эса шундай ёзади:

***Дашт элидин Хожа Тархонга етушса бу***
***ғазал,***
***Тарк этар ҳар байтида осуда дунёсин***
***Сарой.***

Маълум бўладики, XV аср ўзбек адабиётининг забардаст шоири Саккокий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини излашни давом эттириш керак. Бу мумтоз адабиётимизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Чунончи:

***Бўю юзу лаъл эрну хату ҳаддина туш йўқ,***
***Савру гулу мул настарану ёсуман ичра.***

Байтнинг биринчи мисрасида маъшуқанинг бўйи, юзи, лаби, хатти, ёноғи тилга олиниб, иккинчи мисрада уларнинг нимага ўхшаши навбат билан келтирилган: бўйи - сарвга, юзи - гулга, лаби - май (мул)га, хатти - настаранга, ёноғи - ёсуман (жасмин)га ташбеҳ қилинган.

Саккокий энг кўп мурожаат қиладиган санъатлардан яна бири - ирсоли масал. Шоирлар у ёки бу фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун кўпинча ўз шеърларида халқ мақол-маталлари, машҳур ҳикматли сўзлар, эл ичида юрган образли иборалардан фойдаланадилар. Бу илми бадъеда ирсоли масал, яъни мисол келтириш санъати дейилади.

***Кўнгул висолингга муштоқ жону тан***
***бирла,***
***Бале, масалдур эшитгин бу ганжу***
***вайрона.***

Бу ерда "Ганж вайронада бўлади", деган халқ мақолидан фойдаланиб, шоир кўнглини вайронага, ёр висолини ганжга нисбат бермоқда.

Шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлмиш талмеҳ ҳам шоир ижодида кўп учрайди. Бунда машҳур бир қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни мухтасар қилинади.

***Саккокийнинг ўрнини ўшал Юсуфи соний***
***Яъқуб бикин ҳажрида байт ул-ҳазан этти.***

Бу байтни бутун моҳияти билан теран тушуниш учун Қуръони каримнинг Юсуф сураси, Шарқ адабиётида кенг тарқалган Юсуф ва Зулайҳо қиссасидан яхши хабардор бўлиш керак. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга, бир қисмини бани башарга берган. Демак, Юсуф алайҳиссалом бутун инсониятда мавжуд ҳусндa тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Шунинг учун ҳам шоирлар гўзалликда ягона бўлган маъшуқаларини Юсуфи соний, яъни иккинчи Юсуф деб лутф этадилар.

(Боши ўтган сонда)

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## МУСИҚАЛИ ФЕСТИВАЛ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида «Мусиқали кеча» фестивали давом этмоқда. Бу йирик маиший тадбир машҳур композитор Пётр Чайковский таввалудининг 165 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Россия федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Россия маданият ва кинематография қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган мазкур «Мусиқали кеча»да Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал», «Оққуш кўли» балетлари, «Пиковая дама», «Иоланта» опералларидан саҳналар ҳам намойиш қилинади.

Шу сана муносабати билан театр композитори «Евгений Онегин» операсини постановка қилишга киришди.

**А.АЛИЕВ**

### Соғлом авлод - келажак пойдевори

# ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

***Мамлакатимизда она Ватанимизнинг кичик бўлаги ҳисобланган оилани мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилаяпти. "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида миллат генофондини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш асосий йўналиш сифатида белгиланган.***

Туман хотин-қизлар қўмитаси, марказий шифохона, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда репродуктив саломатликни яхшилаш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ҳузурида "Ёш оила мактаби" ташкил этилган бўлиб, машғулотларда 100 дан ортиқ келин-куёвлар иштирок этишмоқда. Уларга никоҳ шартномаси тузиш, фарзанд олдидаги жавобгарлик, соғлом оилани шакллантириш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари бўйича суҳбат ва маърузалар ўқилди.

Янги Нишон ва Таллимаржон шаҳарлари, "Пахтазор", Абдулла Қодирий номли, "Самарқанд", "Гулистон" фуқаролар йиғинлари, "Дўстлик", Улуғбек номли, "Байналмилал", "Наврўз" каби маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва шифокорлардан иборат гуруҳлар бориб, оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, қўйди-чиқдиларнинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар ўтказдилар. Амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар туфайли никоҳ бузилишлари камайиб бормоқда.

Ҳудудда 2 мингдан ортиқ кўп болали оилалар яшаётган бўлса, улар орасида пири-бадавлат ва тинч-тотув турмуш кечираётганлари анчагина. Биргина мисол. Пахтаобод қишлоғидан Пўлат Турсунов ва Хумор Пардаевалар қарийб ярим аср, Янги Нишон шаҳридан Ҳамро Раҳимбердиев ва Бибиш Раҳимбердиевлар оиласи 40 йилдан бери бахтли турмуш кечириб муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг ҳаёт тарзи ёшларга мисол қилиб кўрсатилди.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Озода Жўраева, Марказий шифохона бош врачи Сардор Эркаев, "Нуроний" жамғармаси раиси Сафар Мамашоев, "Саломатлик маркази" раҳбари Раъно Шодмонова, ижтимоий таъминот бўлими мудираси Фароғат Бузрукова, "Нишон тонги" газетаси муҳаррири Саломат Турсуновалар алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Президентимизнинг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича олиб борилган ишлар чуқур таҳлил этилиб, туман ҳокимлиги, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Соғлом оила - келажак пойдевори. Тумандаги "Оила ва никоҳ" бўлими мутахассислари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, бахтли ва осойишта турмушни шакллантириш йўлидаги хайрли ишлар давом этмоқда.

**Ҳ.СОБИРОВА,**
**Нишон туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси**

## "ЎЗБЕК ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ"

***Тошкентда Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган "Ўзбек пазандалик санъати" китобининг тақдимот маросими ўтказилди.***

Мустақиллик йилларида миллий пазандачилик санъатининг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди. Унутила бошланган кўпгина таомлар яна дастурхонимиз кўркига айланди. Миллий пазандачиликнинг қадимий анъаналари қайта тикланди. Маълумки, ўзбек пазандачилиги нафақат минтақамизда балки, жаҳонда ҳам донг таратмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан нашр этилган "Ўзбек пазандалик санъати" китобидан миллий таомларнинг бир неча юзлаб турлари ўрин олган. Китобни тайёрлаш жараёнида тузувчилар мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб у ердаги миллий таомларнинг тайёрланиши, тарихи билан яқиндан танишишган. 250 таомни ўзида мужассамлаштирган китобда вилоятларнинг сўлим табиати, урф одатлари, тўйлар ва удумлари ҳам киритилган.

Ўзбек пазандачилининг уч минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур китоб уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда ўзбек пазандачилиги миллий қадриятлар, урф-одатлар уйғунлигида таҳлил этилади. Кейинги бўлимда меҳмондўст ўзбек халқининг ўзига хос таомларини тайёрлаш усуллари кўрсатилган, учинчи бўлимда эса ўзбек миллий пазандачилигининг таниқли усталари ҳақида маълумот берилади.

Кўп минг нусхада чоп этилган китобнинг тақдимот маросимида мамлакатимизнинг машҳур пазандалари, ошпазлари, жамоат арбоблари иштирок этди. Улар ёшларга катта мактаб вазифасини ўтайдиган бу каби китоблар яна кўплаб яратилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

**"Туркистон-пресс"**



Т.МАҲКАМОВ олган сурат



Х.ПАЙДОЕВ олган сурат

### Ўқиганмисиз, эшитганмисиз?

# АФСОНАВИЙ АКТРИСА ЭЛИЗАБЕТ

***Америкалик машҳур актриса Элизабет Тейлор саккиз марта турмуш қурган. Ёши етмишдан ошган Элизабетга шон-шуҳрат ўз-ўзидан келгани йўқ. Бунинг учун фақат гўзалликнинг ўзи кифоя эмас. Худо берган истеъдод ва меҳнат керак. Америкаликлар уни бекорга севишмайди. У чинакамига афсонавий актриса. Тейлор шунчалик обрў-эътиборга эришган бўлса-да, оилавий томондан тўкис бахтга эга бўла олмади. Собиқ эрлари ичида энг севимли умр йўлдоши Ричард Бэртон эди. Уни севарди, ҳаттоки унга икки маротаба турмушга чиқди. Афсуски, барибир бахтга эришолмади. Элизабетни ёшлигида Лиз деб аташарди, бироқ бу исм унга ёқмасди.***

Тейлор ижро этган ролларнинг сон-саноғи йўқ. У бирга рол ўйнамаган биронта машҳур артист қолмаган ҳисоб. Элизабет журналистларга берган интервьюларида шундай деган: «Мен ҳам сокин, тинч яшашни яхши кўрардим. Эр алмаштиришни ёқтирмасдим. Афсуски, ҳаёт бу инъомни мендан дариғ тутди».

Илк бор ўн саккиз ёшли Элизабетнинг ҳаётида миллиардер ўғли Конрод Хитон пайдо бўлди. Уларнинг никоҳи тўққиз ой давом этди, холос. Кейин у англиялик актёр Майк Уилден билан оила қурди. Улар бирга беш йил умргузаронлик қилишди. Шу орада ўғиллари Крис ва Майкллар туғилди. Уилдендан ажралгандан сўнг продюссер Майк Тоддомга турмушга чиқди. Роппа-роса бир йилдан кейин Тоддом ўзининг шахсий «Боинг» самолётида авиаҳалокатга учраб ҳалок бўлди. Аслида эр-хотин бирга учиши керак эди. Бироқ Элизабет ҳомиладорлиги, ўзини ёмон ҳис қилаётгани учун эри билан бирга бормаганди. Шундай қилиб, тақдир тақозоси туфайли омон қолди.

Элизабетнинг кейинги тақдири қизиқ бўлган. У дугонасининг эри, эстрада хонандаси Эдди Фишерга турмушга чиқди. Ҳатто Фишерни деб бошқа динга кирди. Тейлорнинг бу қилмишини америкаликлар узоқ вақт кечира олишмади. Бироқ ушбу никоҳ ҳам узоққа чўзилмади. Улар ажралишди. 1964 йили Ричард Бэртонни топган Элизабет яна ўз христиан динига қайтди.

1963 йили актриса Бэртон билан «Клеопатра» фильмида суратга туша туриб оғир хасталикка чалинди ва шу билан унинг ҳаётида қийин кунлар бошланди. У бир неча мураккаб жарроҳликни бошидан ўтказди. Эри эса ичкилик туфайли вафот этди. Айримлар уни эри шундай аҳволга солиб қўйган дейишса, баъзи «тейлоршунослар» Элизабет дугонасига хиёнат қилгани учун худо уни жазолади дея гап тарқатишди. Ҳар нима бўлганда ҳам Элизабетга Клеопатра роли жуда катта шуҳрат келтирди. Бундан ташқари, қуйи табақадан чиққан Бэртон ҳам барча миллионерларни ортда қолдирди. У ақл бовар қилмас бойлик - 13 каратли бриллиант ва энг тоза марваридни хотинига мерос қолдирди.

Элизабет кейинги тақдирини виржиниялик сенатор Жон Форнер билан боғлади. Унинг сенатдаги иши танг аҳволда қолганди. Элизабет унга қимматбаҳо узукларидан бирини ҳадя қилди. Форнернинг иши хотини ёрдами билан ўнгланиб, катта шон-шуҳратга эга бўлди. Элизабет ҳам сиёсат билан шуғуллана бошлади.

Тейлор тўрт йил давомида кинода рол ўйнамади. Бунинг устига семириб ҳам кетди. Кейин яна қадрдон Голливуд ўлкалари эсига тушди. Ўзини қўлга олиб кинога қайтди, хайрия ишлари билан шуғулланди.

У йирик сармоядор Марвин Силвертэн билан биргаликда 1985 йили (Марвиннинг дўсти киноактёр Рок Хатсон СПИДдан вафот этади) XX аср вабоси СПИДга қарши кураш учун жамғарма ташкил этди. Шундан сўнг улар жуда кўп хайрли тадбирларни амалга оширишди.

- Мен ўз қабримга шундай ёзилишини васият қилдим: «Бу ерда Элизабет ётибди. Қачонлардир уни Лиз дейишларини хоҳламасди», - деган эди актриса. У муҳтож инсонларга нафақат ўз жамғармаси орқали, балки ундан ташқари ҳам йирик миқдорда ёрдам берарди. Унинг бир неча котибалари бўлиб, улар муҳтож инсонларнинг фақат хатлари билангина эмас, моддий томондан ёрдам бериш билан шуғулланишарди. Элизабет ўзининг уч нафар фарзанди бўлишига қарамай, яна икки нафар етим болани тарбиясига олди. Уларни вояга етказди, билимли қилди, ўз фамилиясини берди, барча фарзандлари қатори оёққа турғазди.

- Лиз бир қараганда, - «мустақил аёл», - унинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай ёзишганди. - Тейлор Голливуд киноюлдузларидан бири, юқори чўққиларни забт этиш учун жуда машаққатли йўлларни босиб ўтди. Омад, шон-шуҳрат, пул ўз-ўзидан келмади. Голливуд киночилари ёш истеъдодларни қидира туриб, Лондонда туғилган олти ёшли Лизга назарлари тушиб қолди. Элизабет ҳаёт йўлининг ўзи тайёр кино асаридир.

80-йилларнинг ўрталарида Лиз яна қаттиқ касал бўлиб, Бетти Форд клиникасига тушиб қолди. У ерда ўзидан 15 ёш кичик Лэрри Фортенкс исмли машина ҳайдовчиси билан танишади. Улар никоҳдан ўтишади. Лиз хоним бу ҳақдаги миш-мишларга жавобан: «Лэрри менинг ҳаётимни қайтариб берди», деган эди. Улар саккиз йил бирга яшашди, сўнг ажралишди. Калифорния қонунлари бўйича Фортенкс хотини маблағидан ўз ҳаққини талаб қилди. Шундай бўлса-да, улар ҳеч қандай «хафагарчиликсиз» ажралишди. Фортенкс қанча маблағга эга бўлгани сирлигича қолди. Лиз қаттиқ мия оғриғига дучор бўлди, бош мия ички операцияси зарурати туғилди. У ҳаётнинг барча оғир синовларига бардош берди, ўзи ҳақидаги гап-сўзлару миш-мишларга чидади. Ҳаётда сабр-бардошли, мурувватли инсон эканлигини кўрсатди. Нью-Йоркдаги 11 сентябр портлашлари даврида балки кимгадир ёрдамим тегар деб зудлик билан фожеа жойига борди.

Элизабет Тейлор «Зеб-зийнатларга муҳаббатим» деб номланган автобиографик китоб ёзди. Бу китобда у ўзининг зеб-зийнатлари билан бирга дўстлари, маҳбублари ва машҳур ҳамкасблари ҳақида ҳам сўз юритган. Нима бўлганда ҳам у Элизабет Тейлорда. Уни америкаликлар севади, ҳурмат қилади, бошларига кўтаради.

**Н.САЪДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади**

## ЎҚУВ ХАРИТАСИ

Бир неча йилдирки, республикамиз пойтахтида Европа уйининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Европа комиссиясига қарашли бу қароргоҳ мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ваколатхона томонидан чоп этилган Ўзбекистон харитасида эса ана шу ҳамкорликнинг рамзи тасвири ҳам ўз аксини топди.

Ушбу хариталардан 50 та нусха яқинда ваколатхона томонидан республика Халқ таълими вазирлигига тақдим этилди. Улар мактабларда ўқув жараёнларини олиб боришда муҳим кўргазмали ўқув қуроли бўлиб хизмат қилади.

**Г.СУЮНОВА**

## НИМ ТАБАССУМ

*– Дада, қўшиқ ибтидоий одамларга меҳнат қилишда ёрдам берганми?*

*– Ҳа, ўғлим.*

*– Унда сизга ёрдам бўлсин деб қўшиқ айтсам, ойим нега «ўчир овозингни, даданг ишлаяпти» дейди.*

* * *

Ўқитувчи: «Сув нима?»

Ўқувчи: «Сув рангсиз суюқлик бўлиб, қўлимизни ювсак қораяди».

* * *

*– Официант, айтинг-чи, оркестрингиз хўрандаларнинг ҳамма истакларини бажо келтиришадими?*

*– Ҳа, албатта.*

*– Ундай бўлса, айтинг, бир соатгина карта ўйнаб туришсин.*

* * *

Турма ходими:

– Нега яқин қариндошларинг сенга хат ёзишмайди?

– Бунга ҳожат йўқ-да, – деб жавоб берди маҳбус.

– Нега?

– Уларнинг ҳаммаси шу ерда.

* * *

*Онаси болаларидан сўраяпти:*

*– Гилосни қайси биринг еб қўйдинг, данаклари сочилиб ётибди.*

*–Мен эмас, – деди Музаффар. – Мен данаги билан еганман.*

* * *

Ўқитувчи сўрайди:

– Қани, айтинг-чи, болалар, сичқон қанча умр кўради?

– Бу мушукка боғлиқ, – деди Азиз.

* * *

*Ойиси уйга келгач, болаларидан сўради:*

*– Идиш-товоқларни ювиб қўйдингларми?*

*– Ҳа, ойижон. Мен ювдим идиш-товоқни, – деди Олия.*

*– Мен тарелкаларни артдим, – деди Нодира.*

*_ Сен-чи, сен нима иш қилдинг?*

*– Мен синиқ парчаларини тердим,– деди Дониёр.*

* * *

Бир куни Камола роса йиғлади, ниҳоят, йиғлай-йиғлай тинди.

– Йиғлаб бўлдингми? – деб сўради онаси.

– Йўқ. Ҳозир дам олаяпман, – хўрсинди Камола.

* * *

*– Бир кило қанд беринг.*

*Сотувчи устига «Қалампир» деб ёзилган қопни очди.*

*– Мен қанд беринг деяпман.*

*– Мен ҳам қанд бераяпман.*

*– Қопнинг устига «қалампир» деб ёзилган-ку?*

*– Бу чумолиларни алдаш учун, болакай.*

* * *

Ўқитувчи: Тошмат, сен ёзда соат нечада турасан?

Ўқувчи: Қуёш нури деразамдан тушганда.

Ўқитувчи: Бу жуда эрта эмасми?

Ўқувчи: Йўқ, менинг деразам ғарбга қараган.

* * *

*– Дониёр сенга қайси олмани берай?*

*– Каттасини.*

*– Дониёр, сен одоб сақлаб, кичик олмани оламан дейишинг керак эди.*

*– Ие, одобли бўлишим учун ёлғон гапиришим керакми?*

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 14198 Буюртма Г— 516 23456